

Ибн Синонинг фалсафий мактабига мансуб Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий” асарининг маънавий меросимиздаги ўрни

*Қодиров Муҳаммаджон
Тошкент давлат шарқишунослик институти
Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси доценти*

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бугунги кунда фанни янада ривожлантириш, ёш авлодни инновацион билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹.

Зеро, янгиланган тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, уни пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Бугунги кунда тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу боис, Ўзбекистонда асосий эътиборни эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг илмий изланишларини муайян мақсадга йўналтиришга қаратилган.

Замонамиз маънавий тараққиётининг ҳозирга палласида халқимизнинг ўз ўтмишига, тафаккур маданияти тарихини чуқур ўрганишга бўлган қизиқишлар тобора ошиб бормоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқи бошқа халқлар қатори ўзининг бой маданий заминини, халқпарвар анъаналарини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

IX-XII асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва ахлоқий таълимотлар шундай равнақ топдики, кўпчиликни ташкил этган мусулмон аҳолиси ҳар қандай озод фикрни ва ўз ақидаларини ошқора изҳор этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўша давр муттафакирлари ахлоқий масалаларда аниқлик, изчиллик,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч – Т.: “Маънавият”, 2008. Б.113.

зиддиятлардан холи бўлиш ва асосланганлик тўғри тафаккурнинг асосий белгилари эканлигига урғу бера бошладилар.

Шуни қайд этиш лозимки, Шарқ мутуфаккирларининг кўпчилиги ижодида ахлоқий фазилат ҳақидаги ғоялар устуворлик қилади. Баъзи тадқиқодчилар буни юнон фалсафасининг таъсирида, айникса, кўп жихатдан мошоиюн (перипатетизм) оқими туфайли шакллланган, деб биладилар. Аммо, кейинги давр тадқиқотлари шуни кўрсатадики, фақат арастучилик эмас, балки равоқийлар фалсафий мероси ҳам ислом дунёсини мутафаккирлари ижодига баракали таъсир ўтказган.

Таъкидлаш лозимки, равоқийлик эпикурчилик билан айна бир замонда пайдо бўлиб, икки ўртада бўлган бахслар туфайли ривожланган бўлса ҳам, ташқи жихатдан қараганда ахлоқий субъективизм доирасидан чиқиб, фазилатни табиатда ҳукмрон бўлган зарурият тушунчаси билан боғлайди. Аммо, бу фақат биринчи қарагандагина шундайдир. Гарчи равоқийлар фазилатнинг умумийлиги ҳақида гапирсалар ҳам, ҳақиқий ахлоқни бурч ахлоқи ҳисоблайдилар. Аммо, шунга қарамай улар томонидан катта завқу-шавқ билан эълон қилинган равоқийлик фазилатидаги бурч мазмун жихатдан маҳрумдир. Равоқийлар ўзларининг меъёрий хатти-ҳаракатларида эпикурчилик билан тўла ўхшашликда бўлиб, улар алоҳида олинган шахснинг тўла озодлигини, унинг ўз-ўзига нисбатан айниятда эканлигини, ташқи вазиятлардан, тақдирдан қатъий назар бахтли бўлишга қодир эканлигини асослайдилар.

Инсоннинг мақсадини табиат ва жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда салбий тушунилган озодликда кўрган эпикурчилардан фарқли ўлароқ, равоқийлик инсон мавжудлигининг олий маъносини табиатга мувофиқ келадиган ҳаётда кўради. Диоген Лаэртскийнинг гувоҳлик беришича, Зенон “Инсон табиати ҳақида” деб аталган рисоласида биринчи бўлиб, унинг охириги мақсади табиат билан мувофиқликда яшашдир..... деб айтган². Дунёдан

² Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов (“Машхур файласуфларнинг ҳаётлари, таълимотлари ва ибратли гаплари ҳақида”). –М., 1986. 273-б.

қочиш эмас, балки билакс, уни бутунича ва тўлалигича қабул қилиш керак. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам табиатнинг қўпол воқеаларидан қутулиб чиқишга ҳаракат қилмаслик керак. Шунинг учун олий даражадаги донишмандлик шундаки, нафақат жисмоний, балки руҳан ҳам тўлалигича табиат зарурияти томон бормоқ керак.

Равоқийлар учун орзудаги ҳаётга бўлган муносабат Суқрот сиймосида ўз аксини топган эди. У ҳамма нарсадан ўзининг ишончини юқори қўйиб, ҳаётнинг ўзи унинг ахлоқий мазмунидан кўра, қиёслаб бўлмайдиган даражада паст туришини таъкидлаган эди.

Ахлоқни тажрибадаги борликдан чиқариб олган равоқийлар уни инсон устидан чегараланмаган ҳукмронлигини тан оладилар. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, фазилат тўлалигича ва том маънода танлаб олинadиган фаолиятдир. Ахлоқнинг имкониятлари чексиз бўлиб, унинг ўзидан бошқа ҳеч нарса билан чегараланмайди. Шунинг учун равоқийлар фазилатли бўлиш учун нима қилиш кераклиги ҳақида эмас, балки фазилатли одамнинг нима қилиши кераклиги ҳақида фикр юритадилар. Ана шундан равоқийлар ахлоқидаги донишмандлик тушунчасининг буюк мақоми келиб чиқади. Улар фикрича, донишманд барча фазилатларни ўзида мужассамлаштирган шахсдир.

Абу Наср Форобийдан тортиб, унинг замондоши Маъмун Хоразмшоҳ академиясининг забардаст олимларидан бўлган Ибн Мискавайх ва унинг асарлари мазмунини кенг шарҳлаб, араб тилидан форс тилига XIII асрда таржима қилган Насриддин Тусийлар ана шундай ғояларни давом эттирдилар.

Абу Жаъфар Муҳаммад Насриддин Тусий Хуросоннинг Тус шаҳрида 1201 йилнинг 18 феврилида таваллуд топди. Ёшлигидан илмга чанқоқ бўлган Тусий аниқ фанлар билан ҳам, ахлоқий масалалар билан ҳам муфассал шуғулланди. Бизгача унинг астрономия, математика ва фалсафага доир асарлари етиб келган. Унинг фалсафий қарашлари Ибн Синонинг шогирди бўлган Бахманёр таъсирида шаклланди. У ўзининг машҳур асари “Шарҳе ал -

ишорот” да Ибн Синонинг фалсафий қарашларини шарҳлаш билан уни мусулмон илоҳиётчиси Фаҳриддин Розий ҳамлаларидан ҳимоя қилди. У ахлоқ ва ҷамиятшуносликка доир кўп асарлар муаллифидир. Тусий “ал-Муҳокамат бейн ал - муҳакаматайн” (“Икки мулоҳаза ҳақида ўйлар”) асарида мусулмон мутафаккири Абу Ҳомид ал – Ғаззолий билан машоиюн оқимидаги араб файласуфи Ибн Рушд ўртасидаги баҳсни таҳлил қилиб чиқди. У Мароғадаги расадхонанинг асосчиси эди. Унинг астрономияга оид “Зижи Илҳоний” юлдузлар жадвали Шарқда ва Ғарбий Европада машҳур эди. Насриддин ўз ижоди билан Яқин ва Ўрта Шарқда табиатшунослик ва ахлоққа оид таълимоти билан муҳим ўрин тутди. У 1274 йилнинг 25 июнида вафот этди. Унинг Шарқда кенг тарқалган асари “Ахлоқи Носирий” эди.

Насриддин Тусий китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида асар дебочасида шуни таъкидлаб ўтадики, Кўҳистон (арабчаси Қаҳастон Эрон Шарқида) ҳокими Носириддин Абдурахим ибн Аби Мансур ҳузуруда хизматда бўлган даврда бир куни шоҳона мажлисда суҳбат комил ҳаким ва фозил устоз Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Мискавайҳ Хозин Розийнинг (X-XI асрларда яшаган) “Китобул таҳорат” (“Поклик ва покизалик китоби”) ҳақида борди. Китоб араб тилида ёзилганлиги сабабли ўтириш қатнашчиларининг кўпчилиги унинг ғояларини кенгроқ ёйиш мақсадида форс тилига таржима қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида фикр билдирдилар. Ҳукмдор Носириддин Абдурахим ибн Аби Мансур бу хайрли иш бажарилишига амр этди. Шунинг учун китоб унинг иродасини ҳисобга олган ҳолда “Ахлоқи Носирий” деб аталди. Агарчи ушбу китоб амалий ҳикмат (ахлоқ) нуқтаи назаридан олий даражада мукаммал ёзилган бўлса ҳам, аммо унда икки қисмнинг жойи холи қолган эди, яъни маданий ҳикмат (ижтимоий фалсафа) ва манзилий ҳикмат (уй-рўзғор юритиш, оилавий иқтисод)³.

Абу Али Мискавайҳнинг “Китобул таҳорат” асарининг барча мазмунини сақлаган ҳолда, кейинги ўтган барча ҳукамоларнинг қарашларини

³ Қаранг: Ахлоқи Носирий. Қўлёзма Лаҳордаги Навал Кушор Матбаасининг соҳиби Мунший Пирог Нароин амри билан 1906 йилнинг январида тош босмага босилди. (форс тилида) 10-бет.

ҳисобга олган ҳолда “Ахлоқи Носирий” асари вужудга келди. Китоб бошида Шарқдаги анъаналарга мувофиқ дунёни тушуниш, фанларнинг вазифалари ва турлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтилади.

Ҳикмат илми дунёдаги барча нарсаларни қандай бўлса, шундайлигича тушуниш бўлганлигидан унга қизиқувчилар ундаги мавжудотларни қисмларга бўлиб ўрганадилар. Мавжудотларни икки катта қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи қисмдаги мавжудотлар жумласига шундай нарсалар кирадики, уларнинг ҳаракат жараёнлари кишилар иродасига боғлиқ бўлмайди (осмону фалаклардаги руҳлар, унсурлар ва бошқалар), иккинчи гуруҳдаги мавжудотларга инсон тасарруф қилса бўладиган, жамоат шохидлигида намоён бўладиганлар киради. Демак, мавжудотлар ҳақидаги илм ҳам икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмдаги илмни назарий ҳикмат дейишади⁴. Иккинчиси эса, агар модда бўлмаса, унинг ўзи ҳам бўла олмайди. Ўз навбатида, бу қисмни яна иккига бўлиш мумкин. Биринчисид ақл ва тасаввурда модданинг бор-йўқлигига эътибор берилмайди, иккинчисид аса, эътибор берилаётган нарса, фақат модда бўлгандагина маълум бўлади. Демак, шу нуқтаи назардан назарий ҳикматни уч қисмга бўладилар. Биринчисини илму мобаъдул табиа,⁵ деб аташади, иккинчисини илму риёзий⁶ (математика), учинчисини эса, илму табиий⁷ дейишади. Бу уч қисм илмдан ҳар бириси, ўз навбатида, бир қанча қисмларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари усул сифатида бўлсалар, баъзилари иккинчи даражалидирлар. Аммо биринчи илмнинг усули икки фандан иборат бўлиб, биринчиси Аллоҳу таоло ва унинг фармониға биноан вужудга келган учқунлари бўлса, иккинчиси мавжудотлар ва уларнинг турларидир. Мавжудотлар бирлик ва

⁴ Назарий ҳикматдан мақсад унинг иқир-чиқирларини билишдан иборат эмас, яъни унда бир ишни бажариш ёки бажармаслик кўзда тутилмайди, балки унда ақлда бўлган ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини идрок этишдир.

⁵ Мобаъдул табиа деб шундай нарсага айтиладики, у биринчи илм бўлиб, инсоннинг жисмлар ва ҳис-туйғуларига тааллуқли, ундан кейин унинг абстракт фикрлари томон тараққий қилиб боради. Буни олий илм деб ҳам аташади ёки табиатдан олдинги илм деб ҳам номлашади. Негаки, илмий мартаба жиҳатидан ҳаммадан олдин келади.

⁶ Риёзий илмини ҳикмат таълимида воситачи деб ҳисоблашади. Негаки, руҳни риёзий топиб, уни моддийликдан абстракт фикр томон ўтказади. Унинг ақлда бўлиши учун моддаға эҳтиёж йўқ.

⁷ Бирлик (вахдат) икки қисмдан иборат: эътиборий ва ҳақиқий. Ҳақиқий Ҳақ Субҳона ва таоло бўлиб, эътиборий бутун ишларни ўз ичига олади.

кўплик ҳамда вужубдан⁸ иборат бўлиб, пайдо бўлиш ёки қадимдан мавжуд бўлиш имкониятига эга бўлганликлари туфайли биринчи фалсафа деб аталадилар.

Аммо риёзий илм усули тўрт хил бўлиб, биринчиси миқдорларни⁹ ва уларга тааллуқли ҳукмлар ва шаклларни билиш бўлиб, уни хандаса (геометрия)¹⁰, деб аташади. Иккинчиси сонлар ва уларнинг хоссаларини аниқлаш бўлиб, уни ҳисоб (арифметика), деб аташади. Учинчиси юқоридаги юлдузларнинг бир-бирига қарама-қарши жойлашиши ҳамда қуйидагиларнинг уларга нисбатан тутган ўрни, улар ҳаракатининг миқдорлари ва уларни ўлчаш бўлиб, уни илми нуҷум ёки ҳайъат (астрономия), деб аталади. Тўртинчиси ёзилган нарсанинг аҳволи ва сифатини аниқлаш бўлиб, уни илми таълиф дейилади.

Мавжудотларни билиш учун уларни қисмларга бўлишни давом эттириб, Насриддин Тусий инсон руҳига етиб келади ва бу ҳақда шундай ёзади: “Руҳлар ичида инсон руҳини қўзғовчи ва ҳайвонот жонларидан тубдан фарқ қилувчи шундай бир қувват борки, уни нутқ қуввати деб аташади. Бу қувват барча нарсаларни қуролсиз равишда идрок эта олади. Унинг эътибори мавжудотлар ҳақиқатини ва уларни ўраб турган синфларга қаратилганлигидан уни назарий ақл дейишади”¹¹. Унинг тасарруфида инсон фаолиятидаги яхши нарсаларни ёмонларидан ажратиш ва кун кечиришнинг фойдали жиҳатларини аниқлаш имконияти борлигидан бундай қувватни амалий ақл деб аташади. Бу қувватнинг икки қисмга бўлинишидан икки бўлим шаклланганлиги учун илми ҳикматни (фалсафани) иккига бўлдиларки, биринчисини назарий ва иккинчисини амалий, деб атадилар.

Муаллиф ўз китобининг тўртинчи фаслини инсоннинг бошқа барча мавжудотлардан афзаллигини исботлашга бағишлаган. Унинг далилига кўра,

⁸ Вужуб шундай насаки, ўзининг қолиши ва йўқ бўлиши учун бошқага муҳтож эмас, худди Худо каби. Уни вужубул зота дейишади. Вужубул ғайра ўнта ақл бўлиб, Худонинг назарида мавжуд бўлишлари зарур, ўзларининг назарларида эса, бўлишликлари мумкин.

⁹ Бу илмда чизиклар, сатҳ ва бурчаклар шакли мужассамлашиб, уларнинг барчаси ҳисобига миқдорлар дейилади.

¹⁰ Бу илмда сонларнинг ҳолати, хусусиятлари ва бир-бирларига нисбати ҳисобланади.

¹¹ *Насриддин Тусий*. Ахлоқи Носирий (форс тилида). 43-б.

табiiй жисмлар жисм бўлганликлари туфайли бир-бирларига тенг ва баробар бўлиб, уларнинг оралари даражаларга ва фазилатларга бўлинган эмас. Маънавий жиҳатдан уларнинг ҳаммаси бир ҳудудда бўлиб, узунлик, кенглик ва чуқурликда фарқлари бўлса ҳам ва кўринишдангина турларга бўлинсалар ҳам, барибир биринчи жавҳардан (ҳаюло) келиб чиққан жинс суратидадирлар¹².

Инсоннинг камолоти ҳам икки хил бўлиб, бу унинг гапириш қувватининг икки турлигидан келиб чиқади: биринчиси илмий қувват, иккинчиси эса амалий қувватдир. Илмий қувватнинг камоли шундаки, унинг шавқи-завқи нарсалар моҳиятини идрок этишга қаратилган илмларда бўлиб, уларнинг тақозоларига мувофиқ ҳақиқатларга тағигача етишга чидам билан ёндошилади ва ниҳоят олдинга қўйилган мақсадларга эришилади.

Амалий қувватнинг хусусияти шундаки, ўзига хос бўлган барча қувватларни тартибга келтириб, уларнинг бир-бирларига мувофиқ келишларини таъминлайди. Натижада улар ўртасида тинчлик ўрнатиб, ҳаммага мақбул бўлган ахлоқий сифатларни вужудга келтиради. Ундан кейин бошқа даражадаги комилликлар томон юзланиб, ҳўжалик юритиш ва жамоат ўртасида ҳаммани қониқтира оладиган чораларни кўрадики, натижада иштирок этган кишилар бахтли ҳаётга эришадилар. Бундай турдаги камолот сари бориш амалий ҳикматда матлуб иш ҳисобланади. Ушбу китобда шундай ишларга ишора қилинади. Демак, биринчи камолот назарияга тааллуқли бўлиб, сурат сифатида бўлса, иккинчи камолот модда сифатида майдонга чиқади. Моддасиз сурат, суратсиз модданинг турғунлиги бўлмаганлиги сабабли, амалсиз илм ҳам бекорчи бўлиб қолади ва илмсиз амални ҳам тасаввур қилиш қийиндир. Демак, илм ибтидо бўлиб, амал барча нарсаларнинг бутунлиги ва камолидан ташкил топганлиги учун ундан кутилган мақсад инсоннинг борлигидандир. Камолот ва мақсад маънода бир-бирларига яқин бўлганликларидан улар ўртасида фарқ уларнинг бирига қўшимча қўйиш орқали исботланади.

¹² Ўша жойда. 46-б.